# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаёти

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2015-YIL 4-SENTABR, JUMA, 107 (8500)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2-3 сентябрь кунлари ташриф билан Пекин шаҳрида бўлди.**

Давлатимиз раҳбари 3 сентябрь куни Пекин шаҳрида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимларда иштирок этди.

Хитой халқи ўша йиллардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга қарамай мардонавор курашиб, Иккинчи жаҳон урушининг ҳур фикрли инсоният фойдасига якунланишига улкан ҳисса қўшган.

Пекин шаҳридаги Тяньаньмэнь майдонида ушбу ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган ҳарбий парад умумбашарий аҳамият касб этди. Унда ўттизга яқин мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, БМТ, ШҲТ каби халқаро тузилмалар раҳбарлари қатнашди.

Ҳарбий парад ўтказишдан кўзланган асосий мақсад халқлар озодлиги йўлида жон фидо қилган инсонлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш, дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамкорликни кучайтириш, ёш авлод қалбида тинчликни қадрлаш туйғуларини шакллантиришдир.

Давлатимиз раҳбарининг Пекинда ўтказилган тантанали маросимларда иштирок этиши мамлакатимизнинг дунёда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга интилиши, шу билан бирга, Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, молия, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият соҳаларидаги кенг кўламли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан биридир. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бораётир. Хусусан, 2014 йилда бу кўрсаткич 4,7 миллиард АҚШ долларига етган. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо айланмаси 11,7 фоиз ўсган.

Мамлакатимизда хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 582 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг саксондан зиёди тўлалигича Хитой инвестициялари ҳисобига ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг етмишдан ортиқ компанияси ўз ваколатхонасини очган.

2013 йилда ташкил этилган Ўзбекистон – Хитой юқори технологиялар саноат парки – “Жиззах” махсус индустриал зонасида мобиль телефонлар, тикув машиналари, қурилиш материаллари, қуёш коллекторлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва Хитойнинг China Railway Tunnel Group компанияси ҳамкорлигида қурилаётган Ангрен – Поп темир йўли Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғининг аҳамият жиҳатидан энг муҳим бўғинига айланади. Бу мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг янада кенгайишига хизмат қилади.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Ўрта Осиё – Хитой газ қувури қувватларини ошириш, Хитойга узлуксиз табиий газ етказиб беришни таъминлаш, Муборак газкимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

“ПолиТехноложи” компанияси билан ҳамкорликда Ангренда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

“Ўзбекистон – Хитой” ҳамда “Хитой Халқ Республикаси – Марказий Осиё мамлакатлари” дўстлик жамиятлари ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Фан-техника муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик, олий ўқув юртлари орасида талабалар алмашуви кенгаймоқда. Хитойда ўзбек тили, Ўзбекистонда хитой тили ўргатилмоқда. Мамлакатларимизда ўзаро маданий мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган кино кунлари, бадиий кўргазмалар, фестиваллар ўтказилмоқда.

Пекинда ўтган олий даражадаги мулоқот чоғида томонлар ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболларини атрофлича муҳокама қилдилар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига ташрифи доирасида 3 сентябрь куни ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан учрашди.

Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримовнинг ушбу ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Томонлар олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига ташрифи ниҳоясига етди. Давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтиргани хайрли қадам, Хитой раҳбарияти билан самарали музокаралари халқларимиз манфаатлари йўлидаги муҳим амалий тадбир бўлди.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
*Тошкент – Пекин – Тошкент.*

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари ва ишбилармон доира вакилларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган. Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:*

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти –
**Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,
Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими –
**Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Абу-Даби Амирлиги Валиаҳди,
Бирлашган Араб Амирликлари
Қуролли кучлари бош қўмондони ўринбосари –
**Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Қатар Давлати Амири –
**Тамим бин Ҳамад Ол Соний**

Қатар Давлати Бош вазири,
ички ишлар вазири –
**Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний**

Қатар Давлати Валиаҳди –
**Абдуллоҳ бин Ҳамад Ол Соний**

Бруней-Доруссалом Султони –
**Ҳожи Ҳассанал Болкияҳ**

Мексика Қўшма Штатлари Президенти –
**Энрике Пенья Ньето**

Австрия Республикаси Федерал Президенти –
**Хайнц Фишер**

Грузия Президенти –
**Георгий Маргвелашвили**

Филиппин Республикаси Президенти –
**Бениньо Акино**

Шри-Ланка Демократик
Социалистик Республикаси Президенти –
**Майтрипала Сирисена**

Фаластин Давлати Президенти,
Фаластин озодлик ташкилоти
Ижроия қўмитаси раиси –
**Маҳмуд Аббос**

Туркия Республикаси Бош вазири –
**Ахмет Довутўғли**

Ислом тараққиёт банки президенти –
**Аҳмад Муҳаммад Али**

Энергетика Хартияси Бош котиби –
**Урбан Руснак**

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси –
**Кэролин Лэмм**

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси президенти –
**Стивен Надерни**

Давлатлараро авиация қўмитаси раиси –
**Татьяна Анодина**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

Андижон Вилояти

**Жалақудуқ туманида мамлакатимиз Мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан “Бетакроримсан, ягонасан она Ватаним – Ўзбекистоним!” шиори остида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.**

## ИШЛИ БЎЛИШДА ЯРМАРКА ЁРДАМ БЕРДИ

Туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, ички ишлар бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси туман кенгаши ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ярмаркада 123 та корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари ўзларида мавжуд 1482 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

– Жорий йилда Андижон давлат университетининг хорижий филология факультетини давлат гранти асосида тамомладим, – дейди Козимжон Холматов. – Бугунги ярмаркага келиб мутахассислигим бўйича 12-умумтаълим мактабига немис тили ва адабиёти фани ўқитувчиси лавозимига ишга қабул қилиндим. Мақсадим ёш авлодга муносиб билим беришдан иборат ва шунга астойдил ҳаракат қиламан.

Тадбир давомида 500 нафарга яқин фуқаро ишга жойлашиш учун йўлланмага эга бўлди. 300 нафардан ортиқ фуқарога эса меҳнат қонунчилигида белгиланган тартиб асосида қўлланмалар, маслаҳат ва тавсиялар берилди.

**Умиджон МАМАРАСУЛОВ**

## ЭЪЗОЗДАН ЁШАРАЁТГАН НУРОНИЙЛАР

*Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ назар ташласак, юртимизда инсон қадри барча нарсадан улуғлигини, инсон манфаатлари бош тамойил ҳисобланишини яққол кўрамиз. Кўнгли чароғон, ҳаёти фаровон, энг муҳими, ҳаётдан мамнун инсон узоқ умр кўради. Буни бугун юртимиз одамлари мисолида, тўғрироғи, мамлакатимиздаги ёши улуғ инсонларнинг кўплиги мисолида ҳам кўриш мумкин.*

(Давоми 2 саҳифада)



*Жиззах туманида яшовчи 105 ёшли Хайри она Шокирова эваралари Замира ва Санжарбек билан.*

Қорақалпоғистон Республикаси

## ВАТАНГА МЕҲРНИ ЖЎШТИРГАН САБОҚЛАР

**Оролбўйидаги барча таълим муассасаларида ҳам янги ўқув йили “Биз ким эдигу ким бўлдик?” шиори остида Мустақиллик дарслари билан бошланди. Айниқса, дарслар Президентимизнинг яқинда нашрдан чиққан “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” китоби асосида ўтказилгани сабоқларнинг мазмун-моҳиятини янада бойитди.**

Сабоқлар баркамол бўлиб улғаётган ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитишга, Ватан олдидаги бурч ва садоқатини ҳамда унга бўлган меҳр-муҳаббатини оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган маърузаси ёшларга кенг талқин этиб берилди.

Дарсларда мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар самараси, эришилган ютуқлар, истиқлол берган имкониятлар ҳақида ҳам кенг тушунчалар берилди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида узлуксиз таълим тизими йўлга қўйилди. Кўплаб янги, замонавий, барча шароитларга эга таълим муассасалари бунёд этилди. Ўқувчиларнинг билим уфқини бойитиш учун барча имкониятлар яратилди.

Энг муҳими, ушбу ишлар изчил давом эттирилаётир. Хусусан, жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида 20 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шундан 8 та умумтаълим мактабида реконструкция, 12 та умумтаълим мактабида капитал таъмирлаш ишлари ўз вақтида бажарилди. 24 та таълим муассасасига зарур жиҳозлар етказиб берилди.

2015-2016 ўқув йили олдидан таълим муассасалари атрофини ободонлаштириш, ташқи деворларни, кўча ва йўлакларни, синфхоналарни, спортзал ва ошхоналарни мавсумга тайёрлаш ишлари ҳам олиб борилди.

– Мазкур ўқув йили учун бир миллион беш юз минг донага яқин дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар жойларга етказиб берилди, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика ўқув-методик маркази бўлим бошлиғи Серик Юсупов. – Шунингдек, Билимлар кунида мактаб остонасига илк бор қадам ташлаётган биринчи синф ўқувчиларига 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат Президент совғаси тантанали равишда топширилди.



Эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшлар келажагига бугун давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани, замонавий таълим олишлари учун барча имкониятлар сафарбар этилаётгани уларни янги марралар сари интилишга руҳлантирмоқда.

Мустақиллик дарслари ўқувчиларнинг юртга меҳрини янада оширди, улар қалбида Ватан келажагига дахлдорлик туйғусини кучайтирди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# ЭЪЗОЗДАН ЁШАРАЁТГАН НУРОНИЙЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Ҳаммамиз ҳам уйим, жойим, оилам деймиз. Ҳаётимизнинг файзли, фаровон бўлишини хоҳлаймиз. Бунинг учун ҳаракат қиламиз, интиламиз. Орзуларимизга эришиш учун меҳнат қиламиз. Бугунги меҳнатимизда эртанинг умиди бўлади. Бир куни ёшимиз улуғ бўлганида меҳнатимизнинг роҳатини кўрсак, деймиз.

Бугун юртимиз аҳолисининг ана шундай орзулари ушалмоқда. Истиқлол йилларида азалий қадриятларимиздан бири бўлган кексаларни эъзозлаш, каттага ҳурматда бўлиш фазилатлари улуғланиб, ушбу хислатлар ҳаётимиз тарзининг бир бўлагига айланди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб номлангани, махсус Давлат дастури асосида нуронийларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани азалий қадриятларга ҳамоҳанг равишда инсонийлик тамойиллари қадрланишининг ёрқин кўриниши бўлмоқда.

Ёши улуғ авлодга қаратилаётган эътибор натижасида уларнинг ҳаётига файз ва барака кирмоқда, ҳаётдан мамнунлиги ошиб, умри узаймоқда. Буни далиллар ҳам исботлайди: мустақилликка эришганимиздан буён мамлакатимизда одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди. Энг муҳими, юртимизда бир асрдан зиёд яшаётган кишилар сони ҳам кўпайиб бормоқда. **Ушбу ишларни яқинда "Эл-Висти" ахборот маркази рейтинги таҳлиллари ҳам аниқ намоён этди. Унга кўра, юртимиз умумий аҳолисига нисбатан юз ёш ва ундан ошганлар сони бўйича Буюк Британия ва Япониядан кейин учинчи ўринда қайд этилган. Юз ёш ва ундан ошган инсонларнинг умумий миқдори бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари ҳам кўнгилларга қувонч бахш этади: биз олтинчи ўриндамиз.**

Маълумотларга кўра, юртимизда юз ёшдан ошганлар сони 8700 нафарни ташкил этади. Бу кўрсаткичнинг йил сайин ортиб боришини бемалол башорат қилиш мумкин. Бу ўз-ўзидан бўлган эмас. Бунинг замирида мамлакатимизда Президентимиз томонидан юртдошларимиз ҳаётини янада фаровонлаштириш борасидаги олиб борилаётган сиёсат самараси ётибди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбарининг Фармонига асосан бир гуруҳ юз ёшдан ошган юртдошларимиз "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Бу ҳам ёши улуғ авлодга кўрсатилаётган эҳтиромнинг ёрқин кўриниши, албатта!

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ** Жиззах туманининг "Қулама" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 105 ёшли Хайри она Шокирова ҳам мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий ва маънавий қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшаётган ҳиссаси учун "Шуҳрат" медалига лойиқ кўрилди.

Хайри она Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини бошидан ўтказган. Ўша йиллари аёллар ва болалар эркакларнинг юмушини елкага олиб, очин-тўқин, тинимсиз меҳнат қилдилар. У урушдан кейин хўжаликда ишчи бўлиб фаолият кўрсатди, пилла боқди. Истиқлол эса унинг умрига умр қўшди. Икки ўғил ва икки қизни тарбиялаб, улғайтирди. Ҳозир невара, чевара ҳамда эваралари сони 180 нафардан ошиб кетган. Онахон доимо дуода.

Ҳар байрамда онахоннинг хонадони гавжум бўлади. Энг улуғ, энг азиз байрамимизда ҳам онахоннинг ҳовлиси оила аъзолари, қариндош-уруғ ва қўни-қўшнилар билан тўлди. Вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам ушбу файзли хонадонга ташриф буюрди. Жиззах вилояти ҳокими С.Исмоилов Хайри она Шокировага Президентимиз номидан давлатимизнинг юксак мукофоти – "Шуҳрат" медали ва эсдалик совғаларини топширди.

– Бу мукофот мени ниҳоятда руҳлантирди, қалбимни ёшартирди, – дейди онахон.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** Шуманай туманида истиқомат қилувчи Бегзада момо Шамуратова ҳам ана шундай эътибор оғушида, фарзандлари, невара-чеваралари ардоғида фароғатда яшаётган ҳамюртларимиздан бири.

Юз билан юзлашган Бегзада момо умр бўйи қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилди. Турмуш ўртоғи, тажрибали деҳқон, марҳум Қудойберган Реймов билан 9 нафар ўғил-қизни тарбиялаб, вояга етказди. Фарзандларининг деярли ҳаммасини олий маълумотли қилди, улар айни кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқда. Бугун момо фарзандлари, 39 нафар невараси, 39 нафар чевараси қаторида Ўзбекистон болаларининг бахтиёрлигини сўраб, дуо қилади.

– Бугунгидек бахтли ҳаётимизнинг қадрига етишимиз керак, – дейди момо. – Илойим, биз кўрган қийинчиликларни ёшларимиз кўрмасин. Юртимиз тинч, осмонимиз мудом мусаффо бўлсин. Кексаларни эъзозлаб, ҳурмат кўрсатаётган Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирамиз. Юртимизда доимо байрам бўлсин!

Дарҳақиқат, тинч ва осойишта юртга байрамлар ярашади. Бундай бахтли юртда ҳеч бир инсон меҳр ва эътибордан четда қолмайди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллиги байрами арафасида Президентимизнинг Фармонига кўра, Бегзада момо Шамуратова ҳам "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Байрам шукуҳи кезиб юрган шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниязов давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари билан Бегзада момо хонадонига ташриф буюриб, онахонни Президентимиз номидан табриклади ва давлатимизнинг юксак мукофотини топширди.

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ** Касби туманидаги "Юксалиш" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Хўжаҳайрон қишлоғида яшовчи 103 ёшли Қудрат бобо Севаров ҳам мамлакатимиз истиқлолининг 24 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, "Шуҳрат" медали билан мукофотланди.



Шуманай туманида истиқомат қилувчи Бегзада момо Шамуратова оиласи даврасида.

Отахоннинг болалиги, ўсмирлиги оғир йилларга тўғри келди. Турмуш ташвишларини эрта елкасига олди. 1942 йилнинг бошларида фронтга отланиб, Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида матонат кўрсатди.

Қудрат бобо урушдан қайтиб оила қурди. Узоқ йиллар чўпон бўлиб сурувга сурув қўшди. Ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор қозонди. Турмуш ўртоғи Нурбиби ая билан фарзандларини тарбиялаб вояга етказди. Бугунги кунда отахоннинг 12 нафар набира, 18 нафар чевараси бор.

– Юртбошимизга раҳмат, – дейди отахон биз билан суҳбатда. – Доимо эъзоздамиз. Бу, энг аввало, юртимиздаги тинчлик, осойишталик ва фаровонлик туфайлидир. Шу кунларга етказганига минг шукур! Мустақиллигимиз абадий бўлсин, юртимизга кўз тегмасин!

Вилоят ҳокими З.Рўзиев Қудрат бобонинг хонадонида бўлиб, Президентимиз номидан уни табриклади, "Шуҳрат" медалини кўксига тақиб қўйди.

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ** Боёвут туманининг Қаропчи маҳалласида яшовчи юз ёшдан ошган Жумагул Жаббарова ҳаётда кўп қийинчиликларни бошидан кечирган инсон. Иккинчи жаҳон уруши йилларида аёл боши билан трактор бошқариб, ғўза қатор ораларига ишлов берди, белига этак тутиб, тонна-тонналаб пахта терди. Лекин меҳнати қадр топмади.

Истиқлол шарофати билан Жумагул онага ўхшаган инсонларнинг бугунги ҳаёти зийнатга айланди, уларнинг ҳаётида янги саҳифалар очилди. Ҳозирда онахон осуда, дориламон кунларга етказганига шукроналар айтиб бахтли кексалик гаштини сурмоқда.

Икки қиз, бир ўғилни тарбиялаб камолга етказган, 11 нафар невара, 24 нафар чевара, 3 нафар эваранинг момоси Жумагул Жаббарова Президентимиз Фармонига асосан "Шуҳрат" медали соҳибасига айланди.

Байрам арафасида Жумагул момонинг хонадони жамоатчилик вакиллари, мактаб ва коллежлар ўқувчилари, "Нуроний" жамғармаси раҳбарлари, қавму қариндошлар билан гавжум бўлди.

Вилоят ҳокими О.Ашурматов ана шундай онларда онахонни Президентимиз номидан табриклаб, давлатимизнинг юксак мукофоти – "Шуҳрат" медалини топширди.

– Юртбошимизга минг раҳмат, – дейди онахон қувончдан кўзлари ёшланиб. – Биз ёши улуғларни шунчалар қадрлагани учун. Илоҳим, у кишининг ҳам ёшлари бизникидан-да улуғ бўлиб, юртимиз, халқимиз бахтига доимо соғ бўлсин!

Бундай шукуҳли тадбирлар юртимизнинг барча жойларида давом этмоқда.

Бугунги обод турмушимизда ёши улуғ авлоднинг қанчалик машаққатли меҳнати, жасоратли хизмати борлигини ҳаммамиз яхши англаймиз. Нуронийларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш учун мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар эса халқимизнинг бугунги ҳаётидан мамнун, эртасидан кўнгли тўқ яшашига мустаҳкам замин қўймоқда. Бахтли инсоннинг эса умри узун ва мазмунли бўлади.

**Ўз мухбирларимиз**

Қашқадарё Вилояти

*Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, Нишон туманидаги "Нишон" қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалиги бош чўпони Тўлқин Намозов "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор" унвонига сазовор бўлди.*

# ЯЙЛОВ КЕЗИБ, СИЙЛОВ ТОПДИ

Тўлқин Намозов қарийб 35 йилдирки, яйлов кезади. Дастлаб отасидан чўпонлик таёғини акаси Ўрозали қабул қилиб олганида унга ёрдамчи эди. Акаси Самарқанд ветеринария институтига ўқишга кетгач, барча юмушлар Тўлқиннинг зиммасига тушди. У бош чўпон сифатида фаолият кўрсата бошлади. Керкинчак ота, Қоракўтон яйловларини бирма-бир кезиб, ташвишларда ҳузур-ҳаловат борлигини ҳис этди.



– Қўй-қўзилар бир кеча-кундузда ўтлаш жараёнида 25-30 километр ҳаракатда бўлади, – дейди у. – Чўпону чўлиқ ҳушёрликни йўқотмасдан сурув ортидан юради. Айниқса, қиш-қировли кунларда сурувни асраш масъулияти чўпоннинг зиммасидаги асосий бурчдир. Бундай лаҳзаларда ҳар доим отамнинг "Чорванинг меҳнати туёғидан қаттиқ, унга чидасанг марра сеники" деган сўзлари қулоғим остида жаранглаб туради.

Тўлқин Намозов касбнинг ўзига хос томонларини пухта эгаллаш йўлида тинибтинчимайди. Раҳбар, мутахассислар, устоз чорвадорлар панд-насиҳатлари, йўл-йўриқ, тавсияларига таяниб ютуқларга ютуқ қўшмоқда. Самарқанд қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш ҳам муваффақиятларда асосий омил бўляпти.

– Йил йилга ўхшамайди, – дейди Т.Намозов. – Бу йилги ёзнинг иссиқ келиши биз чорвадорларни ҳам жиддий синовдан ўтказди. Қўйларни кунда икки-уч маҳал суғоришни канда қилмадик. Шу билан қўйқўзиларни саратоннинг иссиғидан асраб қолдик. Айни пайтда сурувларни серўт яйловларда боқяпмиз. Бунинг учун қўй-қўзиларни икки-уч ой қирнинг бир томонида боқсак, иккинчи томоннинг ўт-ўланлари ниш ургач, ўша ерга ўтамиз. "Қўриқ" деган жой тизза бўйи ўт бўлгач, сурувни ўша томон етаклаймиз.

Жорий йилнинг баҳорги тўли баракасидан хурсандмиз. 420 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 110 тадан қўзи олиб, жун қирқимида ҳам яхши кўрсаткичларга эришдик.

Дарҳақиқат, бу йилги баҳорнинг серёғин келганлиги яйловларда ўт-ўланларни кўп бўлишини таъминлади. 10-15 йил ниш урмаган каррак, сета, келин супурги, нўхатак, ёғли қора шўра ўсиб чиқди. Бу эса қўйчивонларга ёзда қиш тадоригини кўришларида қўл келди. 100 тонна дағал хашак тайёрлаб қўйдик. Қўтон ва кашарлар ҳам сифатли таъмирдан чиқарилди. Қишловни талафотсиз ўтказиш учун бутун куч ва имкониятларни ишга соламиз.

– Биз Тўлқин ака Намозовни ўзимизга устоз деб биламиз, – дейди ёш қўйчивон Сирож Бойкулов. – Бундан икки йил олдин Нишон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини тамомлаб йўлланма билан мазкур хўжаликка ишга келган эдим. Дастлаб ёрдамчи чўпон бўлдим. Бу йилдан эътиборан бош чўпонман. Гарчи ота-бобом чўпон ўтган бўлса-да, ҳали бу борада билмаганларим кўп экан. Чорва парваришининг ўзига хос томонларини кунт билан ўргатишда қимматли маслаҳатларини аямаган Тўлқин акадан бир умр миннатдорман. Қачон, қай вақт нимани сўрамай менга йўл-йўриқ кўрсатади. "Ўқиш бошқа, иш бошқа, иккаласини қўшиб олиб борсанг, кам бўлмайсан", деб далда беради.

Биз ана шундай илиқ фикр-мулоҳазаларни куни кеча касб-ҳунар коллежи остонасидан мустақил ҳаётга қадам қўйган ёш чўпон Маҳманазар Чориевдан ҳам эшитдик. У дил сўзларини изҳор этар экан чўпонлик таёғи, унинг машаққат ва қувончли дамларини ўзига хос ифодалади. Дарвоқе, хўжаликда чорвачилик касбини эъзозлаб, ундан ҳурмат-эътибор топганлар кўплаб топилади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Араб Қўйлиев, Ўрол Кўччиев, "Шуҳрат" медали соҳиби Соат Бўтаёровлар меҳнат қилиб, ундан бахтиқбол топишди.

– Бизда чорвачиликнинг ўзига хос, барчага ўрнак бўладиган мактаби яратилган, – дейди туман ҳокими Мухтор Ҳайитмуродов. – Тўлқин ака Намозовнинг мукофотга сазовор бўлиши бу нишонлик қўйчивонлар меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Ана шу ишонч туманимиз чорвадорларини янги марраларга ундайди. Гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш билан бирга, қишлоққа қайта ишлаш саноатини олиб кириб, янги иш ўринлари яратяпмиз.

"Нишон" хўжалигидаги Говур, Сандиқли, Чилқоқ, Омонқудуқ, Шакарча, Гулбодом, Саксондара сингари яйловларда қарийб 30 минг бошга яқин қўй-қўзилар парваришланмоқда. Эътиборли томони шундаки, унинг тенг ярмидан ортиғи совлиқлардир. Жорий йилда ҳар юз бош совлиқдан 100 бошдан ошириб қўзи олган қўйчивонлар унинг 85 фоизини ўстиришга қолдирдилар. Айни пайтда хўжалик отарлари қишловга ҳар томонлама ҳозирлаб қўйилди. Ҳар бир бош қўйга 152 килограммдан дағал хашак, 300 килограммдан кучли озуқа тўпланди. 14 та техника воситалари, хўжаликнинг ишчи-хизматчилари кучи билан 4,5 минг тонна дағал хашак, 120 тонна арпа жамғарилди.

Ҳа, қаерда меҳнат аҳли учун етарли шарт-шароит яратилса, ўша ерда ютуқлар кўлами кенгаяди. Буни "Нишон" қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалиги чорвадорлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

**Хусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

# МАРРАНИ БАЛАНД ОЛАЁТГАН ЁШЛАР

**Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида таълим-тарбия соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу боис, бугунги кунда асосий эътибор ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини юқори баҳолашга қаратилмоқда. Бунинг натижасида республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий кўринишга эга умумтаълим мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, "Баркамол авлод" марказлари, спорт иншоот ва майдончалари, сузиш ҳавзалари барпо этилиб, улар жаҳон стандартлари даражасида жиҳозланмоқда.**



Биргина Сирдарё вилоятини оладиган бўлсак, айни вақтда 299 та умумтаълим мактаби, 154 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та "Болалар" шаҳарчаси, 12 та "Баркамол авлод" маркази, 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 14 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 1 та ўқитувчилар малакасини ошириш институти фаолият кўрсатмоқда. Сўнгги ўн йил ичида вилоятда 8 та мактаб янги қурилиб, 109 таси капитал реконструкция қилинди, 145 таси мукаммал таъмирланди. 90 та мактабда янги спорт заллари барпо этилди. Мавжуд 14 та болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 10 таси янгидан қурилиб, 4 таси капитал реконструкция қилинди ва ҳаммаси замонавий мусиқа асбоблари билан жиҳозланди. 12 та "Баркамол авлод" маркази, 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда "Баркамол авлод" марказларида 4252, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 11334 нафар ёшлар ўз билим ва маҳоратларини оширмоқдалар.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида вилоятдаги 15 та мактабда компьютер техникаси бўлганди. Ҳозир барча умумтаълим мактабларида 4208 та информатика синфлари фаолият кўрсатаётир. 2013 йилдан мактабларда 1-синфдан бошлаб чет тили фани ўқитилиши жорий этилди ҳамда улар ўқув адабиёт ва дарсликлари, компьютер техникаси, мультимедия воситалари билан таъминланди. Муқояса қиладиган бўлсак, 1990 йилда спорт билан шуғулланувчи ўқувчилар 1512 нафарни ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб улар сони 20419 нафардан ошиб кетди. Ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиш даражаси эса 1990 йилларда 15-20 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда 100 фоиз дарсликлар билан таъминланган.

Ёшларга яратилаётган имконият ва қулайликлар натижасида минглаб иқтидорли ёшлар республика ва халқаро фан олимпиадалари, турли спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгалламоқда. Жумладан, Боёвут туманидаги 22-умумтаълим мактаби ўқувчиси Рустам Босимов 2008 йилда Вьетнам давлатида ўтказилган халқаро фан олимпиадасида совриндор бўлган бўлса, шу тумандаги 1-сонли ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Жасур Баҳромов 2011 йилда Германияда ўтказилган халқаро фан олимпиадасида ғолибликни қўлга киритган. Жорий йилнинг 16-17 ва 29-30 июнь кунлари эса Р.Глиер номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида аниқ, табиий, ижтимоий ҳамда филология фанлари йўналишида билимлар беллашуви ўтказилди. Унда қатнашган сирдарёлик 28 нафар 7-8 синф ўқувчиларнинг 10 нафари совринли ўринларни эгаллади.

Спорт соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам қувонарли, албатта. Хусусан, Сирдарё туманидаги 32-умумтаълим мактаби ўқувчиси Жавоҳир Мираҳмедов спортнинг юнон-рум кураши бўйича Хитой давлатида ўтказилган Осиё чемпионатида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, олтин медални қўлга киритган бўлса, шу тумандаги 39-умумтаълим мактаби ўқувчиси Наргиза Хўжаева жорий йилда спортнинг тош кўтариш бўйича Вьетнам давлатида ўтказилган Жаҳон чемпионатида биринчи ўринни эгаллади. Сайхунобод туманидаги 29-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шахзода Турсунмуродова 2014 йилда спортнинг шашка тури бўйича Болгария давлатида ўтказилган Жаҳон чемпионатида 2-ўринни эгаллаб, кумуш медаль совриндори бўлганди. Боёвут туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқувчиси Рустам Жўраев эса 2015 йилда спортнинг эркин кураш тури бўйича Ҳиндистонда ўтказилган Осиё чемпионатида фахрли иккинчи ўринни забт этди. Айтиш жоизки, жорий йилнинг бошидан айни кунгача вилоятда 200 нафардан ортиқ ўқувчилар турли спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритишди. Бу эса истиқлол йилларида спорт соҳасини ривожлантиришга берилаётган юксак эътибор натижасида қўлга киритилаётган ютуқлардир.

Вилоят ёшлари, таъбир жоиз бўлса, бугун барча соҳаларда юқори натижаларга эришиб келмоқда. Хусусан, санъатда ҳам. Шу кунгача болалар мусиқа ва санъат мактабларида таълим олаётган ўқувчиларининг 100 нафардан ортиғи халқаро ва республика миқёсида бўлиб ўтган танлов ва фестивалларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритгани сўзимиз тасдиғидир. Жумладан, иқтидорли ҳамда ширали овоз соҳиби Билолиддин Нарзуллаев Боку шаҳрида ўтказилган Муғом анъанавий хонандалик йўналишида катта совринли ютуқни қўлга киритди. Шунингдек, Нафиса Рустамова, Хушнуд Ҳусниддиновлар "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг ғолиблари бўлишди.

Бугун сирдарёлик ўқувчиларнинг фан ва спорт соҳаларида эришаётган ютуқларини кўриб, "Ким эдигу ким бўлдик?" деган саволга жавоб топгандай бўламиз. Бундан 20-25 йил олдин вилоят, республика миқёсидан юқорига чиқолмаган ўқувчилар бугун жаҳон ареналарида ўз маҳорат ва иқтидорларини намойиш этмоқдалар. Улар буларнинг барчасини давлатимиз раҳбарининг ёшларимизга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигида деб билади.

Ана шу ғамхўрликлар ҳали ҳам давом этаётгани, иқтидорли ёшлар юрт, мамлакат таянчи деб қаралаётгани Энг азиз, энг улуғ байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида 42 нафар ўқувчи-ёшларнинг вилоят ҳокимлиги Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланганида ҳам яққол сезилиб турди. Вилоят ҳокими О.Ашурматов Фахрий ёрлиқларни топширар экан, уларга Ўзбекистон довруғини дунёга ёйишида кучғайрат ва омадлар тилади.

– Мактабларда спорт билан доимий шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратиб қўйилганлиги бизнинг Осиё ва Жаҳон чемпионатларида ғолибликни қўлга киритишимизда муҳим роль ўйнаётир, – дейди Сирдарё туманидаги 39-умумтаълим мактаби ўқувчиси, тош кўтариш бўйича 2015 йилда Вьетнам давлатида ўтказилган Жаҳон чемпионати ғолиби Наргиза Хўжаева. – Президентимиз томонидан спортни ривожлантириш, биз ёшларнинг жисмонан бақувват, маънан етук бўлиб камол топишимиз учун катта ғамхўрликлар кўрсатилаётгани туфайли менга чемпионлик насиб этди. Улуғ айём кунларида вилоят ҳокимлиги томонидан иқтидорли ўқувчи ва маҳоратли ёш спортчиларнинг рағбатлантирилганлиги бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Билим ва салоҳиятимизни Ўзбекистон равнақи, юрт келажаги учун сарфлашга ҳаракат қиламиз.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ИСТИҚЛОЛ ТУҲФАСИ, БАХТ ФОРМУЛАСИ

*Илгарилари ота-боболаримиз “Биз кўрмаганни болаларимиз кўрсин”, деб ўзларини юпатган. Косаси оқармай ўтган деҳқон фарзандларининг ўқимишли, зиёли бўлишини орзу қилиб, уларга олам-олам орзуларини, армонларини мерос қолдирган.*



© Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

*Саидакбар Раҳмонқулов оиласи даврасида.*

Саидакбарнинг ота-онаси ҳам бир умр далада меҳнат қилган. Улар фарзандларининг илм кишиси бўлишини ният қиларди: “Сув мўъжизакор, бебаҳо неъмат. Бироқ, унинг икки кўриниши бор. Бири – ўзанида оқадиган дарё, бора-боргунча тириклик манбаи бўлиб элга хизмат қилади. Иккинчиси – қирғоқни бузиб оқадиган тошқин сув. Бу борлиқ учун катта хатар... Сен ўзанида оққан тиниқ сув бўл, болам, одамларга яхшилик қил. Қўлингдан келса боғ ярат, келмаса – боғ яратганнинг ёнида бўл”.

Саидакбар ана шу орзу-ҳавaслар билан ўсди. Тўғри, у боғ барпо этмади, лекин яратган янги ғўза навлари далаларда чаман-чаман бўлиб очилди. Эртапишар бу навлар деҳқоннинг мушкулини осон қилди. У селекционер олим, ғўза уруғчилигида ноанъанавий услубларни ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш бўйича етук мутахассис, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, биология фанлари доктори, профессор Саидакбар Раҳмонқулов бўлиб элга танилди.

– Тараққий этган давлатлардаги замонавий техника мўъжизаларини кўриб, улар нақадар олдинлаб кетган-а, дея ҳайратга тушамиз, – дейди С.Раҳмонқулов. – Хўп, амалиётда улар олдиндадир, бироқ худди шу тараққиётнинг пойдевори – илмий асоси бизда юқори. Йўқса, Англиянинг “Cotton Outlook” журнали “Ўзбекистон пахта етиштириш технологиясининг икки йўналишида, яъни кўсак қуртини кенг қамровли биологик назорат қилиш ва эртапишар навлар селекцияси дастури бўйича дунёда пешқадам”, дея эътироф этармиди?!

Ҳа, истиқлол шарофати билан дунё бизни танимоқда. Мамлакатимиз селекционерлари ўтган йилларда икки юздан ортиқ ғўза навини яратди. “Бухоро-6”, “Бухоро-102”, “Омад”, “Султон” ва бошқа элликдан зиёд навлар районлаштирилди. Янги яратилаётган навлар жаҳон бозори талабларига тўла жавоб беради. Олимларимиз кўп йиллик изланишлар натижасида ғўзанинг тола чиқишини 28-32 фоиздан 37-40 фоизгача, тола узунлигини 25-28 миллиметрдан 33-35 миллиметргача, бир кўсакдаги пахта вазнини 4-5 граммдан 6,5-8 граммгача оширишга эришди. Бу афзалликлар анъанавий ўтказилиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаларида хорижлик мутахассислар томонидан ҳам қайд этилмоқда.

Бу ютуқлар бугуннинг гапи. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида аҳвол бутунлай бошқача, дуч келган ғўза навлари экилаверарди. 1958 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети) агрономия факультетини битириб, “Сайрам” жамоа хўжалигига бош агроном бўлиб борган Саидакбар изланишни бошлади. Чунки у устозларидан ер илмини пухта ўрганиб, пахтачиликка оид амалий тажрибаларда қатнашган, деҳқончилик – лой ва сувдан чиқмай ҳосил ундириладиган оддий меҳнат эмас, балки улкан фан олами эканини англаб етган эди.

– Хўжалигимиз ёнида янги навларни синаш давлат комиссиясининг тажриба участкаси бўлиб, йигирмадан ортиқ нав синовдан ўтказиларди, – дейди С.Раҳмонқулов. – Янги навлар билан танишиш учун бориб, академик Акрам Дадабоев билан учрашиб қолдим. Қайси навлар маъқул бўлгани, хўжалигимиз кўзлаган режа бажарилмаётгани сабаблари ҳақида сўраб, фикрларимни тинглаган олим мени Тошкентга ишга таклиф қилди.

Қишлоқ хўжалигининг етук мутахассиси бўлиш орзусидаги Саидакбар кўп ўтмай ҳозирги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб фаолият бошлади. Сўнгра аспирантурада таҳсил олди. Билимини бойитиш, ўсимликлар физиологиясини ўрганишга интилган тадқиқотчи “Ўсимликлар физиологияси ва биокимёсига тегишли муаммолар” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Институтда ўсимликлар биокимёси лабораторияси ташкил этилди. Орадан йиллар ўтди. Бу лабораторияда ғўза гетерозисининг физиологик асосларини ўрганиш, дурагайларнинг белги ва хусусиятларини юқори авлодларда ирсийланишини аниқловчи физиологик тестлар кашф этилди. Тадқиқотларда ғўзанинг F1, F3 дурагайларида биологик-хўжалик белгилар, уруғ таркибидаги захира моддалар, митохондрия, хлоропласт органоидларнинг фаолияти билан боғлиқлик борлиги аниқланди. Шу тариқа олим ғўза селекцияси ва уруғчилигида ноанъанавий услубларни ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш йўналишига асос солди.

– Истиқлол бизга кенг имкониятлар берди, – дейди С.Раҳмонқулов. – Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида пахтачиликда ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Юртбошимиз селекционер олимлар олдига ҳар бир вилоятнинг иқлим шароитига мос, ҳосилдор, тезпишар, турли касалликларга чидамли, тола сифати юқори ғўза навларини яратиш вазифасини қўйди. Соҳанинг ҳуқуқий пойдевори сифатида “Уруғчилик тўғрисида”ги ҳамда “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Янги навлар шарофати билан деҳқонларимиз энди декабрнинг сўнгги кунларигача кўсак очилишини кутмайди. Эртапишар навлар ҳам сифат жиҳатидан, ҳам сердаромадлиги билан юртимиз иқтисодиётига катта наф келтирмоқда.

Дарҳақиқат, пахтачиликда самарадорлик кўп жиҳатдан ғўза навига боғлиқ. Чунки тола рангининг тиниқлиги, пишиқлиги ва узунлиги аввало нав хусусиятларига бориб тақалади. Бу борада Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида олиб борилган изланишлар туфайли салмоқли натижаларга эришилаётир. Ҳозир бу ерда жаҳонда энг бой ғўза коллекцияси мавжуд. Унда турли мамлакатлардан келтирилган маданий, ёввойи ва ярим ёввойи навлардан ташкил топган қарийб 21 мингта намуна сақланмоқда. Селекция ишларида улардан самарали фойдаланилмоқда. Ҳар бир ҳудуднинг иқлим шароитига мос агротехнологиялар ишлаб чиқилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, янги навлар нафақат тезпишар, саноатбоп ва ҳосилдорлиги, балки турли касалликларга чидамлилиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Селекционерлар бундай ғўза навларини ёввойи, ярим ёввойи – рудераль шаклларга айланган ғўзаларни ўрганиш ва селекция жараёнида қўллаш орқали яратади.

– Янги нав яратиш мураккаб жараён, – дейди С.Раҳмонқулов. – Бунинг учун ўртача 12-15 йил вақт кетади. Шу боис, бунда келгусидаги табиий ўзгаришлар ҳисобга олинмоқда. Мавжуд ғўза генофонди намуналарини, хусусан, ёввойи, ярим ёввойи ва маданий шаклларни дурагайлаш орқали сув танқислиги ҳамда тупроқ шўрланишига бардошли донорларни ажратиш ва яратишнинг назарий ва амалий услублари ишлаб чиқилди. G.nilsonii, G.klotzchianum, G.raimondii, G.gossypioides, G.davidsonii, G.bickii, G.australe, G.sturtianum каби ёввойи турларнинг ижобий белгиларини маданий турларга мансуб шаклларга ўтказиш мақсадида турлараро чатиштириш ишлари олиб борилмоқда. Сўрувчи зараркунандаларга, вилт ва сув танқислигига чидамли G.tomentosum иштирокида олинган тизмалардан ҳам селекция жараёнида унумли фойдаланилмоқда.

Олимнинг ўзи ва ҳаммуаллифлигида “С-4909”, “С-4910” “Истиқлол”, “С-2118”, “С-2119”, “Умид”, “С-2510”, “С-2513”, “Оққўрғон-2”, “Манғит-1”, “Манғит-2” каби ғўза навлари яратилди. Улар орасида “Султон” ғўза нави кенг районлаштирилган бўлса, “Истиқлол-14” нави истиқболли нав сифатида Давлат реестрига киритилди. Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида яратилган “Истиқлол-14” ғўза нави Сурхондарё ва Андижон вилоятларида, оқпалак касаллигига, сувсизликка чидамли ва серҳосил “Султон” нави эса Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида катта майдонларда парваришланмоқда.

Олим фанда қанча фидойи бўлса, ҳаётда шунча меҳрибон инсон. У ёшларга яқин маслаҳатгўй, ҳаёт тажрибаларидан сабоқ берувчи устоз. Айниқса, шогирдларига севимли адибимиз Ойбекнинг “Гўзал хулқ гавҳардир, асло бўлмас хор. Ҳаёт кўзгусида унда бир нур бор. Ҳақиқат ва аҳлоқ яқин туғишган. Ўғлим ўйла, умр ўтмасин бекор” сатрларини бот-бот такрорлаб, уларни эл-юртга нафи тегадиган ишлар қилишга ундайди.

– Истиқлол туфайли ота-боболаримиз орзу қилган замонларга биз эришдик, – дейди Саидакбар Раҳмонқулов. – Бугунги тинчлик, хотиржамлик, ободлик ва фаровонлик учун ҳар қанча шукрона айтсак арзийди. Ўғлим Мурoджон биология фанлари номзоди, янги нав яратиш устида изланмоқда. Қизим Шаҳноза хорижий тиллар бўйича мутахассис. Умр йўлдошим билан бирга набираларимизнинг чеҳраларига боқиб, юрагимиз бахтдан энтикади.

Президентимиз раҳнамолигида илм-фанга қаратилаётган эътибор, айниқса, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар С.Раҳмонқуловга куч-ғайрат ато этмоқда. Ўтган йиллар давомида у Франция, Малайзия, Филиппин каби давлатларда бўлиб, нуфузли илм даргоҳларида Ўзбекистон ва ўзбек селекцияси ютуқлари бўйича маърузалар қилди. Пахтакорларга манзур бўлаётган янги навлар яратиб, ёшларга кўмак бермоқда. Олимнинг атрофида шогирдлари кўп. Улар орасида етти нафар фан номзоди, учта фан доктори бор. Улар қишлоқ хўжалигининг турли йўналишларида меҳнат қилмоқда. Шуларга қараб умр бекор ўтмаганига шукур қилади олим...

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

**Миллий матбуот марказида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда «Мустақиллик йилларида маҳалла институти: тажриба, амалиёт ва устувор вазифалар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.**

## МАҲАЛЛА – МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

Унда таъкидландики, мустақиллик йилларида мамлакатимизда маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини яратиш, уларни замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириб бориш, жамиятимизнинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми сифатида ушбу ноёб тузилманинг мақомини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ишончли таянчи ва таъсирчан кучи бўлиб хизмат қилишига зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда маҳаллалар аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айланди.

Ҳозирда юртимизда 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлиб, улар томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган асосда қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, ҳудудларни ободонлаштириш каби маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган 30 дан зиёд вазифалар муваффақиятли тарзда бажариб келинмоқда.

Энг муҳими, маҳаллаларда яраштириш, маърифат ва маънавият, ижимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш, тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 8 та жамоатчилик комиссиясининг фаолияти йўлга қўйилганлиги, улар ишига кенг жамоатчиликни жалб этишда кенг имкониятлар яратмоқда. Бундан ташқари, ушбу хайрли ишлар Кексаларни эъзозлаш йилида ҳам изчил амалга оширилмоқда, айниқса, кексаларни эъзозлаш, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронлар, кам таминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Давлат дастури асосида “Маҳалла” фонди ҳисобидан 520 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари телевизорлар, 6 минг нафарга яқин кексалар кийим-кечаклар билан таъминланди, 1200 нафарга яқин ёлғиз қарияларнинг уй-жойларини таъмирлашга моддий ёрдам кўрсатилди.

Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини, жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида 7102 та фуқаролар йиғинларида маслаҳат марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Анжуман давомида маҳалла институтини ривожлантириш борасида тўпланган тажрибалар ўртоқлашилди.

**Гулноза МИРЗАЕВА**

---

Хоразм Вилояти



# Бахшининг боғи

*Шовот туманининг Тўқманғит маҳалласида бир боғ бор. У шундай боғки, кўзларни қувонтиради, кўнгилларни яшнатади, булбулларни шўх-шўх сайратади. Бу боғ сиз кўрган, билган боғлардан бўлак: тевараги пахса девор ўрнига толу тераклар, серфайз гужумлар, минг бир дардга даво оқ тут, шотут, жийдалар билан ўралган. Эътиборлиси, бу боғнинг ижодкори боғбон ёки деҳқон эмас. У ўз бахтини, ризқини, обрў-эътиборини санъатдан топган Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси Қаландар Норматовдир.*

“Нуроний” жамғармаси туман бўлинмаси раиси Қадамбой Матсафоев ҳамроҳлигида ушбу боғни томоша қиларканмиз, унинг яратилиши билан қизиқдик.

– Икки гектарлик ушбу боғни барпо қилганимизга яқинда йигирма йил тўлади, – дейди Қаландар бахши. – Шу десангиз, ёшлигимда санъатга ишқим тушиб Хивага устозим Қурбонназар ота Абдуллаев – Бола бахши ҳузурига қачон борсам, у киши боғ билан андармон бўлиб юрганини кўрардим. Бахши отанинг боғида устоз-шогирд тонготар суҳбатлар қурганмиз, кўп достонларни ўша боғда ўрганганман. Устозим машҳур Комилжон Отаниёзов ҳам боғ шайдоси эди. Урганчдаги, Тошкентда Бешёғочдаги уй-боғини яшнатиб қўйишларига ҳавас қилардим. Қани энди мен ҳам шундай бир боғ ятратсам, деб орзу қилардим. Орзуим рўёбга ошди. Меҳнатингни аямасанг чўл ҳам гулистон бўлар экан. Насиб этса, боғни кенгайтирмоқчиман. Кейинчалик меваларни қайта ишлайдиган корхонани ташкил қилиш ҳам режамизда бор.

Ҳа, Қаландар Норматов эл суйган бахши бўлиш билан бирга, боғбонлик борасида ҳам ном қозонди. Унинг раҳбарлигидаги “Қаландар боғи” фермер хўжалигида ҳар йили мўл ҳосил етиштирилмоқда. Байрамларда, кам таъминланган оилалар тўйларида дастурхонни бахши боғида етиштирилган ширин-шакар мевалар безайди. Хивадаги “Меҳрибонлик уйи” ва “Мурувват уйи”га ҳам шу боғнинг мевалари етиб боради.

Шунингдек, бу боғда бир қанча маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилиб туради. Ота изидан бораётган Машҳурбек, Ферузбек, Достонбеклар “Ғариб ва Шоҳсанам”, “Тоҳир ва Зуҳра”, “Гўрўғли”, “Бозиргон”, “Ошиқ Маҳмуд” каби достонларни шу боғда атрофи ўн икки гужумли ҳовуз бўйида падари бузрукворидан ўрганган. “Қаландар Норматов куйлайди” фильм-концертининг кўп кўринишлари ҳам айнан мана шу боғда суратга олинган.

Зеро, боғ яратишда ҳикмат кўп, барака бисёр. Буни дилдан ҳис қилган Қаландар Норматовга омадлар ёр бўлаверсин!

**Абдулла САФОЕВ**

---

○ Эълонлар

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

## «BEST EXPERT REALTOR» МЧЖ

## ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилояти Жондор тумани ҳокимининг 2015 йил 24 августдаги 02/2279-сонли буюртманомасига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга Бухоро вилоятининг Жондор тумани “Лоло” ҚФЙ Дўрманон аҳоли пункти ва Жондор тумани “Далмун” ҚФЙ Жўймўмин аҳоли пункти ҳудудларидан “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси” қуриш учун танланган жами 23 та ер майдонининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилмоқда:**

| Т/р | Объектнинг ер майдони | Бошланғич баҳоси сўмда | Қурилиш муддати | Объектнинг жойлашиш манзили | Объектнинг фаолият тури |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 200,0 м² | 95068,0 | 12 ой | Жондор тумани “Лоло” ҚФЙ Дўрманон а/п | “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси” қуриш учун |
| 1 | 250,0 м² | 118835,0 | 12 ой | Жондор тумани “Далмун” ҚФЙ Жўймўмин а/п | |
| 2 | 180,0 м² | 85561,2 | 12 ой | | |
| 3 | 180,0 м² | 85561,2 | 12 ой | | |
| 4 | 180,0 м² | 85561,2 | 12 ой | | |
| 5 | 100,0 м² | 47534,0 | 12 ой | | |
| 6 | 100,0 м² | 47534,0 | 12 ой | | |
| 7 | 100,0 м² | 47534,0 | 12 ой | | |
| 8 | 100,0 м² | 47534,0 | 12 ой | | |
| 9 | 100,0 м² | 47534,0 | 12 ой | | |
| 10 | 100,0 м² | 47534,0 | 12 ой | | |
| 11 | 50,0 м² | 23767,0 | 12 ой | | |
| 12 | 50,0 м² | 23767,0 | 12 ой | | |
| 13 | 50,0 м² | 23767,0 | 12 ой | | |
| 14 | 50,0 м² | 23767,0 | 12 ой | | |
| 15 | 50,0 м² | 23767,0 | 12 ой | | |
| 16 | 50,0 м² | 23767,0 | 12 ой | | |
| 17 | 50,0 м² | 23767,0 | 12 ой | | |
| 18 | 50,0 м² | 23767,0 | 12 ой | | |
| 19 | 50,0 м² | 23767,0 | 12 ой | | |
| 20 | 50,0 м² | 23767,0 | 12 ой | | |
| 21 | 50,0 м² | 23767,0 | 12 ой | | |
| 22 | 50,0 м² | 23767,0 | 12 ой | | |

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчисининг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ҳ/р: 20208000300404408001 ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”, МФО 00115, СТИР 303099095.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми, шакллари ва шартлари Жондор тумани архитектура ва қурилиш бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2015 йил 8 октябрь куни соат 15:00 да Жондор тумани ҳокимлиги биносида очилади ва танлов ғолиблари эълон қилинади.

Танлов савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 15, 22, 29 октябрь кунлари соат 15:00 да худди шу манзилда бўлиб ўтади.

Танловда қатнашишга буюртманомалар қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва конвертларни очиш билдиришномада кўрсатилган санадан бир кун олдин соат 18:00 да тугайди.

Танлов ҳужжатлари талабгорларга уни олиш пайтида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1 (бир) баравари миқдоридаги тўлов эвазига берилади.

**Танловда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда танловда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:**

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- танлов тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

**Танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган танлов таклифлари:**

- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;
- инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;
- агар бу танлов шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллиги ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов таклифларининг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

**Мурожаат учун манзил:** Бухоро шаҳри Ҳамза кўчаси 7а-уй.

**Маълумот учун телефонлар:** (+99893) 383-08-83, (0-365) 221-52-82.

**Веб-сайт:** www.ber.uz

***Хизматлар лицензияланган.***

**Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!**
**Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!**
**Савдоларга марҳамат қилинг!**

Тошкент ш. Яшнобод т. ТСРЎИда (реестр №005659-07, 03.06.2015 й.) Ҳаваскор кўч. 16-уй манзили бўйича рўйхатга олинган “WEDDING PRESENT SERVICE” МЧЖ (СТИР 303355039) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 12.08.2015 й.даги 1-сонли баённома). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда (99890) 357-50-61, (93) 542-08-77 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (30.08.2012 й., реестр №0112088) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Рўзиев Қиёмиддин Талиевичга тегишли (СТИР 446102557) думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент халқ хўжалиги институти томонидан 1981 й.да Асланов Равшан Мурадуллаевич номига берилган ЗВ №848300 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИ

# ЗАМОНАВИЙЛИК ВА МИЛЛИЙЛИКНИ УЙҒУНЛАШТИРГАН БУНЁДКОРЛИК САНЪАТИ

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига бугун дунё ҳавас қилмоқда. Ушбу ишлар нафақат ўзига хос меъморий ечимга эга иншоотлари, балки замонавий ва миллийликни уйғунлаштирган бошқа кўринишлари, хусусан, ўзига хос ландшафт дизайни билан ҳам аҳамиятлидир.**





Инсон борки, яхши яшашга, завқли ҳаёт кечиришга интилади. Эътибор берсангиз, юртимизда ҳам кўпчилик ҳовлисида турфа хил гуллар экади, тартиб билан кўчат ўтказади, бежирим йўлаклар ҳосил қилади. Қолаверса, уйлар, кўча ва хиёбонлар, сайилгоҳу маҳобатли иншоотлар атрофидаги ландшафт дизайнининг ўзига хос гўзал манзаралари каттаю кичикнинг баҳридилини очиб, хушкайфият, эстетик завқ бағишлайди. Замонавийлик ва миллийлик уйғунлашган шаҳару қишлоқларимиз кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Бу жараёнда оддий кўкаламзорлаштириш ёки ободонлаштиришдан фарқли ўлароқ, юқори дид, ўзига хос маъно-мазмун касб этадиган ландшафт дизайнини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизга борган киши кўпроқ яёв кезгиси келади. Боиси, гўзал манзараларни яқиндан ва узоқроқ томоша қилсам, дейди. Ландшафт дизайни айни шу жиҳати билан ҳам аҳамиятлидир.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Олмачи маҳалласида яшовчи Фатхулла Холиқов тадбиркорликни айни шу йўналишда олиб бораётган ишбилармон юртдошларимиздан бири. У узоқ йиллар давомида боғдорчилик билан шуғулланган, гулларни парваришлаш ҳадисини олганди. Уч-тўрт йил муқаддам "Кўклам-Холиқов" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, ландшафт дизайни бўйича фаолиятни йўлга қўйди.

Тадбиркор, аввало, бу соҳа билан яқиндан танишиб, тажриба тўплади. Боиси, ландшафт дизайни ўсимликлар экиш билангина амалга ошмайди, балки турли рангдаги тош ва қумлар ёрдамида композиция яратилади, уларга монанд фаввора, ҳайкалчалар ўрнатилади.

– Ландшафт дизайни кишидан нозик дид ва маҳорат талаб этади, – дейди тадбиркор Фатхулла Холиқов. – Бинонинг меъморий ечими ҳамда жойлашув ҳолатидан келиб чиқиб, дарахт, бута, гул ёки майсани қаерга экиш кераклиги режалаштирилади. Ландшафт чиройли, манзарали бўлиши, эстетик завқ бағишлаши билан бирга, ўсимликларнинг бир-бирига мутаносиблиги, инсон саломатлигига фойдали жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шундай гуллар борки, қуёшнинг нурига чидамсиз, баъзилари эса, аксинча, иссиқсевар. Шу боис, уларни ёнма-ён экиб бўлмайди. Шунингдек, кўпгина манзарали дарахтларнинг серқатнов йўл бўйича экилиши шовқинни камайтиришда қўл келмоқда.

"Кўклам-Холиқов" масъулияти чекланган жамияти 4 нафар оила аъзоларидан ташқари, 5 нафар маҳалла фуқаросини ҳам иш билан таъминлади. Бугун улар пойтахтимиздаги Кичик ҳалқа йўли, Юнусобод туманидаги 15-даҳада барпо этилган хиёбон, маҳаллалар гузарлари, шунингдек, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, хонадонлар ҳовлисини кўкаламзорлаштиришга ўз ҳиссасини қўшяпти. Майса, атиргул, магнолия, шамшод ўстиришда хонадон бекаси Турсуной аянинг ҳиссаси катта. Шунингдек, умумхалқ ҳашарида ўғли Суннат Холиқов маҳалла ҳудудига 50-60 туп гул, 20 туп арча ҳамда икки нафар меҳнат фахрийсининг хонадонига 10 туп манзарали дарахт ва 30 дан зиёд гул кўчати экишга кўмаклашди. Бугун унинг ташаббуси билан боғ-роғлар, маҳаллалару кўчалар ўзига хос гўзал манзара касб этиб, каттаю кичикка бирдек хушкайфият, завқ бағишлаётир.

Ландшафт дизайни меъморчиликка уйғун ҳолда кундан-кунга ривожланиб бораётгани боис, соҳа мутахассисларини тайёрлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Ландшафт дизайнини янада ривожлантириш, аҳоли пунктлари ва қишлоқлараро ҳудудларнинг архитектуравий-бадиий қиёфасини яхшилаш, ландшафт дизайни мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Ушбу дастур доирасида ҳудудий ободонлаштириш бошқармалари ва лойиҳалаш ташкилотларини шу соҳа бўйича олий ўқув юртлари ва коллежларни битирган ландшафт дизайни бўйича малакали кадрлар билан бойитиш кўзда тутилган. Хусусан, Тошкент архитектура-қурилиш институтида "Ландшафт дизайни ва интерьери" кафедраси ташкил этилиши, шаҳар Ободонлаштириш бошқармасининг "Ландшафт дизайн" гуруҳи аъзоларининг малакаси оширилаётгани юртимиз кўркига кўрк қўшиш борасидаги ҳаракатларга замин яратаётир.

– Ландшафт дизайни бўйича мутахассис нафақат дизайнни, эстетикани, балки у боғбондан фарқли ўлароқ, ҳудуд тупроқ шароитини, ўсимлик ҳолатини яхши билиши ва, энг муҳими, ишга ижодий ёндашиши зарур, – дейди тадбиркор. – Тарихий тажрибаларга таяниш, ҳар бир детални моҳиятан чуқур ўйлаб жойлаштириш, иқлим-шароитни ҳисобга олиш муҳим. Ана шунда кўзланган натижага эришилади. Ҳозирда лойиҳачилар шаҳарларимизнинг замонавийлик ва миллийликни уйғунлаштирган ҳолда қайта чирой очишига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Кейинги йилларда манзарали дарахт кўчатлари: терак, ясен, қайрағоч, эман, мажнунтол, акация, каштан, япон сафораси ва бошқалар кўп экилмоқдаки, улар яна 5-10 йилдан сўнг шаҳарларимиз қиёфасини қанчалар ўзгартириб юборишини тасаввур қилиш қийин эмас. Мутахассисларнинг фикрича, дов-дарахтлар, майсалару гулзорлар қанчалик кўп бўлса, иқлим, ҳавонинг ҳарорати, ёмғир миқдори ҳам ўзгаради. Шунингдек, экилаётган манзарали ўсимликлар инсон саломатлиги учун ҳам фойда келтиради.

Сирасини айтганда, ҳаётимизни жонли табиатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қолаверса, ландшафт дизайни ҳаётимизга ўзига хос завқ ва ором олиб киради, экологик маданиятимизни юксалтиради. Ана шундай эзгу ишларни кенгайтиришдаги Фатхулла Холиқов сингари тадбиркорларнинг ташаббускорлиги эса ҳар биримизни қувонтириши табиий.

**Моҳичеҳра ТОШМУРОДОВА**

Осиё чемпионати — 2015

**Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида давом этаётган эркаклар ўртасидаги Осиё чемпионатида яна уч нафар боксчимиз ярим финалга чиқди.**

## БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ ҒАЛАБАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Навбатдаги кунги баҳсларда Шаҳобиддин Зоиров вазни 52 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида ҳиндистонлик Мадан Лал устидан ғалаба қозонган бўлса, вазни 60 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари беллашувида Элнур Абдураҳимов эронлик Голара Фароутанни мағлубиятга учратди.

Яна бир тажрибали спортчимиз Элшод Расулов вазни 81 килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги чорак финал баҳсида қирғизистонлик Эркин Адилбек уулуга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Шу тариқа Осиё чемпионатининг ярим финалига чиққан боксчиларимиз саккиз нафарга етди. Бу кўрсаткич бўйича терма жамоамиз биринчи ўринда бормоқда.

Осиё чемпионатининг ярим финалига чиққан чарм қўлқоп усталари жорий йилнинг 5-8 октябрь кунлари Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Мазкур жаҳон чемпионатида боксчилар 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қиладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун баҳслашади.

**Б.АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.**

РЕКЛАМА




○ Реклама ва эълонлар




Тошкент ш. Учтепа т. ҳокимияти ТСРЎИда (реестр №002850-01, 15.08.2014 й.) қайта рўйхатдан ўтган "SUT-XAMKOR BIZNES" МЧЖ (СТИР 301157222) Устав фонди 336 491 500 сўмдан 243 042 689 сўмга камайишини маълум қилади.




Тошкент ш. (аввалги А.Икромов) Учтепа т. ТСРЎИда (17.03.2003 й., реестр № 0120245) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Кадыров Зарбдор Абдукахаровичга (СТИР 454434694) тегишли Гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирликнинг Пиллачиликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Рашид Исмоиловга волидаи муҳтарамаси

**Гавҳар БЕКЖОНОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Агробанк" акциядорлик тижорат банки жамоаси банк ходими Асрор Жумаевга падари бузруквори

**Илҳом ЖУМАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99894) 374-77-62; Наманган – (+99893) 948-53-86; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: Ҳ.АБДУҒАНИЕВ
Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-919, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 02.55
15784 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5